

Маърузачи судья  
О.Илхомжонов

Биринчи инстанция судида раислик  
қилган судья: Б.Каримов

Апелляция инстанцияси судида  
маърузачи судья: З.Камолов

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2024 йил 5 сентябрь куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья О.Илхомжонов, ҳайъат судьялари: А.Шамсутдинова ва Ф.Эргашевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Норкуловнинг котиблигида, тарафлардан – прокурор У.Мухсимов, судланган И.Утегеновнинг ҳимоячиси-адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2024 йил 5 январдаги ҳукми билан судланган И.Утегеновга оид 1-1007-2302/668-сонли жиноят ишини маҳкум И.Утегенов томонидан келтирилган шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2024 йил 5 январдаги ҳукмига кўра,



Ҳужжат имзоланган: Илхомжонов Одилжон Илхомжон ўғли, 05.09.2024






Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, шу моддага асосан унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланиб, унга қўлланилган эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, суд залидан қамокқа олинган ва Тошкент шаҳар ИИББ ВСХ орқали Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭДга қарашли 1-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилиши белгиланган.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “REDMI” русумли телефон аппарати жабрланувчи О.Нурдиновага тилхат асосида қайтарилгани; жабрланувчи Нурдинова Озода Салохитдиновнани судланувчи Утегенов Икромбек Умирзаковичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги инобатга олиниши белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 8 февралдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгаришсиз колдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра,



Маҳкум И.Утегенов шикоятда, биринчи босқич судининг ҳукми ва апелляция инстанция судининг ажримидан норозилиги, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, иш бўйича моддий зарар қоплангани, жабрланувчини даъвоси йўқлиги ҳолатларини инобатга олиб, унга яна бир бор имкон беришни ва иш бўйича одилона қарор қабул қилишни сўраган.



Тафтиш инстанцияси иш бўйича судья О.Илхомжоновнинг маърузасини, прокурор У.Мухсимовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, ҳимоячи А.Алимкуловнинг шикоят важларини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94,95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланган И.Утегеновнинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг биринчи инстанция суди давомида ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ариза, билдиргилар, тушунтириш хатлари, далилий ашёни олиш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, жабрланувчининг кўрсатуви, жабрланувчининг тилхати ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Биринчи инстанция суди томонидан И.Утегеновнинг жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, судланган И.Утегеновга жазо тайинлашда, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қармоғида ваояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини, шунингдек, у илгари содир этган жинояти



учун жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганини инобатга олиб, у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, ушбу тайинланган жазога илгарги ҳукм билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланган И.Утегеновнинг важларига тўлиқ ҳуқуқий баҳо бериб, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, асосли хулосага келган.

Жиноят иши ҳужжатларида, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилишга асослар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига риоя қилиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2024 йил 5 январдаги ҳукми ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 8 февралдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарилган ажрими ўзгаришсиз қолдирилиб, келтирилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-512-моддалари тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи**

**О.Илхомжонов**

**Ҳайъати судьялари:**

**А.Шамсутдинова**

**Ф.Эргашев**

